

**Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси
Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлимининг
НИЗОМИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясининг (кейинги ўринларда – Академия) Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими (кейинги ўринларда – Бўлим) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-141-сон фармонида мувофиқ ташкил этилган.

2. Бўлим Академиянинг таркибий бўлинмаси бўлиб, илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш ишларини амалга оширади.

3. Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, Академия Устави ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

4. Бўлим ўз фаолиятини Академия ректори раҳбарлигида амалга оширади ҳамда Академия ректори ва Илмий, инновациялар ва ахборот- таҳлилий ишлар бўйича проректорга бўйсунди.

5. Бўлимнинг расмий номи:

- давлат тилида – Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими;
- инглиз тилида – Scientific Research Coordination Division;
- рус тилида – Отдел координации научных исследований.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

6. Бўлимнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

илмий салоҳиятни кучайтиришга доир чора-тадбирлар лойиҳаларини тайёрлаш, илмий-тадқиқот фаолиятини юритиш, шунингдек, бошқа таркибий бўлинмаларнинг илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш;

магистратура талабалари томонидан магистрлик диссертацияларини тайёрлаш ва ҳимоя қилишни ташкиллаштириш;

илмий ишланмалар натижаларини қонун ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этиш;

илмий-амалий ҳамкорликни ташкиллаштириш.

7. Бўлим ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) илмий салоҳиятни кучайтиришга доир чора-тадбирларни белгилаш, илмий-тадқиқот фаолиятини юритиш, шунингдек, бошқа таркибий бўлинмаларнинг илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш бўйича:

суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, қонунчиликни ривожлантириш ва ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантиришнинг долзарб масалалари бўйича чуқур

фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқотлар олиб борилишини мувофиқлаштириш;

одил судлов соҳасида илмий изланишларнинг устувор йўналишларини белгилаш ва илмий-тадқиқот мавзулари базасини шакллантириш;

илмий-тадқиқот фаолияти бўйича истиқболли ва жорий (йиллик) иш режаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш;

Академия Ахборот-ресурс марказининг янги илмий адабиётлар, шу жумладан, хорижий адабиётлар билан таъминланиши ҳамда глобал ахборот-ҳуқуқий ва таълим ресурсларини янгилаб борилишига кўмаклашиш;

илмий тадбирлар (республика ва халқаро илмий-амалий конференциялар, давра суҳбатлари, семинарлар ва бошқа тадбирлар) ўтказилишини ташкиллаштириш;

илмий-тадқиқот ишларига доир ҳисоботлар тайёрлаш ва Академия раҳбариятига тақдим этиш;

илмий салоҳиятни кучайтиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

Академиянинг илмий-тадқиқот фаолияти ҳолатини ва ривожланиш истиқболларини таҳлил қилиш, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

б) магистратура талабалари томонидан магистрлик диссертацияларини тайёрлаш ва ҳимоя қилишни ташкиллаштириш бўйича:

магистратура талабалари томонидан тайёрланадиган магистрлик диссертациялари учун илмий-тадқиқот мавзулари базасини шакллантириш;

магистратура талабалари томонидан танланган диссертация мавзуларини рўйхатга олиш;

магистратура талабаларини илмий-тадқиқот мавзулари бўйича илмий раҳбарларга бириктириш;

магистратура талабалари томонидан магистрлик диссертацияларини тайёрлаш ишларини назорат қилиш;

магистратура талабалари томонидан магистрлик диссертациялари ҳимоясини ташкиллаштириш.

в) докторант, таянч докторант ва мустақил изланувчилар диссертацияларини тайёрлаш ва ҳимоя қилишни ташкиллаштириш бўйича:

тадқиқотчилар томонидан тайёрланадиган диссертациялар учун илмий-тадқиқот мавзулари базасини шакллантириш;

белгиланган муддатларда докторант, таянч докторантура ва мустақил изланувчилик учун эълонлар бериб бориб, уларни қабул қилишни ташкиллаштириш;

қабул қилинган докторант, таянч докторант ва мустақил изланувчилар илмий фаолиятининг самарадорлиги бўйича белгиланган муддатларда қонунга мувофиқ тартибда мониторингини олиб бориш;

докторант, таянч докторант ва мустақил изланувчилар диссертацияларини тайёрлаш ва ҳимоя қилишни ташкиллаштиради;

г) илмий ишланмалар натижаларини қонун ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этиш бўйича:

илмий тадқиқотлар натижаларини ёритувчи монографиялар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва илмий-оммабоп китобларни нашрга тайёрлаш ва ўқув жараёнига жорий қилиш ишларини амалга ошириш;

илмий ишланмалар натижалари бўйича қонун ҳужжатларига тегишли таклифлар ишлаб чиқилишига кўмаклашиш.

д) илмий-амалий ҳамкорликни янада кучайтириш бўйича:

одил судлов соҳасидаги етакчи илмий-таълим муассасалари, таҳлилий, тадқиқот марказлари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда долзарб ҳуқуқий муаммолар бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

ҳамкор ташкилотлар билан мунтазам илмий тадқиқотларни алмашишни йўлга қўйиш.

3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

8. Бўлим ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш мақсадида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

кафедралар, суд амалиёти муаммоларини ўрганиш маркази ва бошқа таркибий бўлинмалардан зарур статистик маълумотлар, ахборот-таҳлилий материаллар, суд амалиёти ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятига доир умумлашмаларни олиш;

илмий тадқиқотлар ўтказиш учун кафедраларга ва бошқа таркибий бўлинмаларга илмий-тадқиқот ишларига кўмаклашиш, уларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини мониторинг қилиш;

илмий тадбирлар ўтказишда таркибий бўлинмалардан ташкилий ёрдам олиш;

ўз фаолиятини амалга оширишда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

Бўлим фаолиятига оид ҳужжатлар ишлаб чиқишда иштирок этиш.

Бўлим қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Бўлим қуйидаги мажбуриятларга эга:

Академия раҳбариятининг буйруқ, фармойиш ва топшириқларида Бўлимга юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш;

илмий-тадқиқот фаолиятига доир ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилиши ва юритилишини таъминлаш;

ўз фаолияти ҳақида Академия ректори ва Илмий, инновациялар ва ахборот-таҳлилий ишлар бўйича проректорга тегишли тартибда ахборот бериб бориш;

Академия ички тартиб-қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари, хизмат вазифаларига риоя қилиш, йиллик иш режалари бажарилишини таъминлаш.

Бўлимга қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

4-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

10. Бўлим фаолияти Академия ректори томонидан тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган бош мутахассис томонидан амалга оширилади.

11. Бўлим фаолиятига бош мутахассис раҳбарлик қилади ва унга бўлим фаолияти бўйича шахсий масъулият юклатилади. Бўлим бош мутахассиси вақтинча бўлмаганда унинг вазифасини Академия ректори томонидан белгиланган бошқа ходим бажаради.

5-боб. Яқуний қоидалар

12. Ушбу Низом Одил судлов академияси Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлимининг асосий ҳужжати ҳисобланади.

13. Мазкур Низомда белгиланган масалалар бўйича низоли ҳолатлар Академия Устави, ички норматив ҳужжатлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

14. Низом Академия ректори томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради.

15. Мазкур Низомга Академия ректорининг буйруғига мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.